

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**261** **Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 1-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сон қарори (рўйхат рақами 1639, 2006 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 463-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг III бўлимида «21614 — Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар» ва «22014 — Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган узоқ муддатли кредитлар» билан ҳисобварақлари таърифидан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк  
раиси в. в. б.**

**У. МУСТАФОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 26 апрель,  
9/3-сон